

Мўмин-муслмон одам бир-бирини ёмон кўрмайди



16:00 / 13.03.2023 3214

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, сизлар муслмон бўлмагунингизча жаннатга кирмайсизлар. Бир-бирингизга муҳаббат қилмагунингизча муслмон ҳам бўлмайсиз.

Саломни ёйинг, ўзаро муҳаббат қўясизлар.

Бир-бирингизни ёмон кўришдан сақланинг, чунки бу қирувчи нарса. Мен сизга у сочи қиради, демайман. У динни қиради».

Ушбу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу дунё ҳаётининг қоидаси бўлиши лозим гапларни айтмоқдалар.

«Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, Сизлар мусулмон бўлмагунингизча жаннатга кирмайсизлар».

Бу жумладаги маъно асосий қоидадир. Ҳеч бир банда мусулмон бўлмагунича жаннатга кирмайди. Мусулмон бўлиш учун Муҳаммад алайҳиссаломга юборилган динга иймон келтириб, унинг таълимотларига амал қилиш керак.

Шу билан бирга, яна битта шарт бор. Уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги жумлада баён қилганлар.

«Бир-бирингизга муҳаббат қилмагунингизча мусулмон ҳам бўлмайсиз».

Бир-бирига муҳаббатли бўлиш – мусулмонларнинг шиори. Биз бу ҳақиқатни яхши тушуниб олишимиз, мўмин-мусулмонларга нисбатан муҳаббатли бўлишимиз керак. Ўзаро муҳаббатли бўлиш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг навбатдаги таълимотларига амал қилиш керак бўлади.

«Саломни ёйинг, ўзаро муҳаббат қўясизлар».

Учратган ҳар бир диндошига салом бериш, тинчлик ва саломатлик тилаш ҳамма мусулмонлар ичида кенг ёйилгандагина уларнинг орасида муҳаббат ҳам собит бўлади.

Мазкур саодатларга эришиш учун бир нарсани қилмаслик керак.

«Бир-бирингизни ёмон кўришдан сақланинг, чунки бу қирувчи нарса. Мен сизга: у сочи қиради, демайман. У динни қиради».

Бир-бирингизни ёмон кўришдан доимо сақланинглар, чунки бу иш қирувчи нарса. У сочи қирмайди, у динни қиради. Дини қирилганнинг икки дунёси нима бўлиши ҳаммага аён.

Бир-бирини ёмон кўрадиганлар ўртасида муҳаббат бўлмайди. Муҳаббат

бўлмас экан, муслмончилик ҳам бўлмайди, қирилади. Бутун жамият таназзулга юз тутуди, дин йўқолади. Мўмин-муслмон одам эса бир-бирига ёмонлик қилмайди, бир-бирини ёмон кўрмайди.

«Одоблар хазинаси» китоби асосида тайёрланди